



PARTICIPATION OF SUFI REPRESENTATIVES IN POLITICAL PROCESSES BETWEEN THE TEMURIDS AND SHAYBANIDS

Anvarjon Kandakharov

Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences, Associate Professor

Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: anvar0303_82@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Yassavi sheikhs, khanaka, pir and murid, folk medicine, sharia.

Received: 22.12.24

Accepted: 24.12.24

Published: 26.12.24

Abstract: The article reflects the struggle of the Timurid and Shaybanid dynasties, who fought for political power in Central Asia at the beginning of the 16th century, and the activities of Sufi representatives who actively participated in this struggle. In particular, the influence of religious scholars such as Sheikh Khudaiddod on the political struggle between Muhammad Shaybani Khan and Babur in 1511-1512 is revealed.

ТЕМУРИЙЛАР ВА ШАЙБОНИЙЛАР ЎРТАСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ТАСАВВУФ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Анваржон Кандахаров

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: anvar0303_82@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: яссавий шайхлари, хонақоҳлар, пир ва мурид, халқ табобати, шариат.

Аннотация: Ушбу мақолада XVI аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудида сиёсий ҳокимият учун курашган темурийлар ва шайбонийлар сулолаларининг ўзаро курашлари ҳамда бу курашларда фаол иштирок этган тасаввуф вакилларининг фаолиятлари ақс эттирилади. Жумладан, Муҳаммад Шайбонийхон ва Бобур, 1511-1512 йиллардаги Убайдуллахон ва Бобур ўртасидаги сиёсий курашларда Шайх Худойдод каби диний уламоларнинг таъсири мисолида очиб берилди.

УЧАСТИЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ СУФИЕВ В ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ МЕЖДУ ТЕМУРИДОВ И ШАЙБАНИДОВ

Анваржон Кандахаров

Доктор философии (PhD) по истории, доцент

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

E-mail: anvar0303_82@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: шейхи яссави, ханака, пир и мюрид, народная медицина, шариат.

Аннотация: В статье отражена борьба династий Тимуридов и Шейбанидов боровшихся за политическую власть Средней Азии в начале XVI века, деятельность представителей суфизма активно участвовавших в этой борьбе. В частности, раскрывается влияние религиозных ученых, таких как шейх Худайдод, на политическую борьбу между Мухаммадом Шайбани-ханом и Бабуром 1511–1512 годах.

Ўрта Осиёнинг XV аср охири XVI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихи бошқа тарихий даврлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган ҳолда, бу давр Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган Муҳаммад Шайбонийхон ва Шайбонийлар сулоласининг давлат тепасига келиши билан характерланади. Ўрта асрларга хос хусусиятлардан яна бири ислом динида алоҳида йўналиш сифатида вужудга келган тасаввуф вакилларининг фаолияти эди. Бу даврда шундай бир ижтимоий-сиёсий вазият вужудга келдики, тасаввуф тариқатининг айрим вакиллари ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларда ҳам амалий, ҳам ижодий фаолият юритди. Буларга Хожа Ислоом (1493–1563), Хожа Саъд (1531–1589), Махдуми Аъзам, Шайх Худойдод, Қосим Шайхларни мисол қилиш мумкин.

Бу даврда тасаввуф вакилларининг ҳатто Шайбонийлар ўртасидаги тожу-тахт учун бўлган курашга аралашуви ва мамлакат сиёсий ҳаётига таъсир кўрсатишга уринишганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, айрим тариқат вакиллари хонларни сиёсий фаолиятларига ҳам таъсир кўрсатган. Хусусан, “Абдуллонома”да 1561 йилда Пирмуҳаммадхон (1557–1561) Бухорони эгаллаш мақсадида Абдуллахон II билан Балхни Бухорога айирбошлаш хусусида келишиб олганлиги, лекин унинг йўлига Хожа Ислоом тўғаноқ бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар берилган. Шунда Хожа Ислоом бу ҳақда ўз муридлари ва тарафдорларига қуйидагича хабар берган: “Абдуллахон биз билан бемаслаҳат Бухорони Балхга айирбошлабди. Хоҳлаган ишини қилсин! Ҳокимиятни хоҳлаган одамига берсин! Кўрамир (бу билан), нимага эришар экан”, дейди. Шундан сўнг

орадан беш кун ўтиб, Абдуллахон II ўз пушаймонлигини изҳор қилиш учун Хожа Ислон хузурига келади[1; 28]. Бу эса Шайбонийлар даврига келиб давлатчилик бошқарувида айрим диний шахслар мамлакат ҳаётида етакчи ўрин эгаллаб, баъзи масалаларда ҳукмдорларини ҳам ўз таъсирига олишга ҳаракат қилиб келган, дейиш мумкин.

XVI аср Бухоро хонлиги ижтимоий-сиёсий ва маънавий жараёнларига сезиларли таъсир ўтказган диний уламолардан бири Шайх Худойдод Валий Азизон (1461-1532)дир. Шайх Худойдод Валийнинг сиёсий ҳаётда тутган ўрни “Ламаҳот” асарида XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда рўй берган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва шайбоний Убайдуллахон ўртасидаги сиёсий муносабатлар баёнида ҳам келтирилган[5; 158]. Яъни, 1511 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Эрон шоҳи Шох Исмоил Сафавий қўшинлари ёрдамида Самарқанд тахтини эгаллайди ва унга қарши шайбоний Убайдуллахон тахтни қайтариб олиш ниятида жангга отланади. Шу жараёнда Бобур Мирзо Шайх Худойдод Валийга ўз одамини жўнатиб, қўллаб-қувватлашини сўрайди. Лекин Шайх Худойдод Валий “Ким мусулмонроқ бўлса, ўша подшоҳ бўлғусидир”, деб унга рад жавобини беради. Ўз навбатида, Убайдуллахон ҳам Аҳмад Яссавий мақбараси атрофида ўзига тарафдорларни тўплаб, агар Самарқанд тахтини қўлга киритса, бир умр сунний мазҳабига содиқ қолиши тўғрисида қасамёд қилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса ўзининг билиб-билмай қилган хатосини тушуниб: “Убайдуллахоннинг мусулмонлиги биздан устундир”, деб эътироф этади. Натижада Шайх Худойдод Валий каби диний уламолар Убайдуллахонни қўллаб-қувватлайдилар[7; 191]. Бу эса ўша давр нуқтаи назаридан қараганда Шайх Худойдод Валий халқнинг бошига тушиши мумкин бўлган яна бир кулфатни, яъни диний ва миллий можароларнинг ҳам олдини олганлигини эътироф этиб ўтиш лозим.

1530 йилларда Самарқанд ҳокими бўлиб турган Абу Саидхон билан бўлган муносабатларда ҳам келтирилишича, Абу Саидхон қаттиқ касалга чалиниб, ўрнидан тура олмай қолади ва Шайх Худойдод Валийдан ёрдам сўрайди. Шунда Шайх Худойдод Валий уни даволайди. Яъни, манбада қайд этилишича, Абу Саъидхоннинг оёғи жуда қаттиқ оғриб, унга бирор-бир даъво топа олмайди ва натижада Ҳазрат Шайх Худойдоддан ёрдам сўрайди. Шунда Шайх Худойдод айтадики, “Самарқанднинг каттаю кичик ҳаммасини йиғиб, катта бир мажлис (садақа) қил ва халққа ош бер! Ва шу ерда сенга дуо ўқиймиз. Шоядки, халқнинг дуоси сени оёққа турғазса, [4; 96]”-дейди. Абу Саидхон ушбу амалларни бажаради ва Шайх Худойдод уни дуо қилганидан сўнг оёққа туриб, соғайиб кетади. Бу воқеадан сўнг Абу Саидхон Шайх Худойдодга қаттиқ боғланиб қолади. “Ламаҳот” асари муаллифи Абу Саидни Шайх Худойдодга бўлган муносабатини

куйидагича тасвирлайди: “Ҳазрати Азизон Ғазирадан Самарқанд томонга қараб юрсалар, хонга ҳабар берилмаса-да, пешвоз чиқиб бутун лашкари билан Ҳазратни кутиб олар, ёғингарчилик бўлса, лашкарни икки қатор қилиб сафга тортиб, ўртадан Ҳазратни ўтказар эди. Бу иши Ҳазрати Азизонга оғир ботиб, Самарқандга борсалар, кечалари ярим тунда танҳо борадиган бўлдилар. Мақсадлари – Абу Саъидхон пешвоз чиқмасин” [4; 96].

Ушбу маълумотлар Шайх Худойдод Валийни нафақат оддий халқ орасида, балки замона ҳукмдорлари олдида ҳам жуда катта шуҳрат қозонган тасаввуф арбоби эканлигидан далолат беради. Ҳукмдорлар кўпинча уни ортиб бораётган нуфузидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Лекин Шайх Худойдод Валий ҳеч қачон ҳукмдорлар ҳузурига ўз фойдасини кўзлаб бормаган. Лекин, бир куни бир гуруҳ ҳамроҳлари билан Хуросонга, устози Шайх Жамолиддин ҳузурига кетаётганида Қарши чўлида қашшоқлик ва очлик устунлик қилиб, Қарши шаҳри қозисига ҳабар беради. Ана шу воқеани Шайх Худойдод Валий бир умр пушаймонлик ва афсус билан ёдга олади. Яъни, Худодан эмас, бандасидан ёрдам кутганлиги учун.

Манбаларда Шайх Худойдод Валийни Муҳаммад Шайбонийхонга бўлган муносабатлари куйидагича келтирилади: “Билгилки, эй толиб Ҳазрати Азизон Жамолиддин Бухорога ташриф буюрадилар. Шохбекхон (Шайбонийхон) Шайх Азизоннинг муриди бўлиб, ўша пайтларда Амир Абдулалӣ тархон Бухоро ва Самарқанд ҳокими эди. Бир куни Шохбекхоннинг хотирига кўрагоний мирзоларнинг вафот топишлари (темурийлар сулоласининг тугаши) тушди. У Амир Абдулалӣ подшоҳ, нега мен подшоҳ бўлолмайман. Ахир мен подшоҳзода-ку!- деб ҳаёл қилди. Ана шу ҳаёллар билан Ҳазрати Азизон Жамолиддиннинг олдида келади. Шунда Ҳазрат: “Шохбек! сенинг ҳаёлингдан Абдулалӣ шаъран ҳукмронликдан четланиши туфайли менга ҳеч ким тўсик бўлолмайди, мен подшоҳ бўламан, деган гаплар ўтаяпти. (Бу хил ҳаёллар билан) энди менинг олдимга келма.”-дедилар. Шундан сўнг Шайбонийхон (1502 йил) Бухорога келиб Шайх Жамолиддиннинг ўғлини уни кўз олдида нарвонга боғлаб азоб беришга амр қилади. Бу воқеаларни кузатиб турган Шайх Худойдод устозига: “Менга рухсат беринки, таважжух қилайин, Шохбекхон ўз лашкарлари билан нест-нобуд бўлсин.”-деб мурожаат қилади. Шунда Шайх Жамолиддин: “Тарчанд султони тариқат ва бурхони ҳақиқат Хожа Аҳмад Яссавий унинг подшоҳ бўлишига тарафдор эканлар, унинг нобуд бўлишини тиламоқлик беадаблиқдир,” –деб жавоб беради[4; 82]. Бу эса ўша даврда Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳр тахтини эгаллашини айрим диний пешволар томонидан кўллаб-қувватланмаганлигини, лекин тариқат асосчиси Яҳмад Яссавийга бўлган юксак эҳтиром сабаб Муҳаммад Шайбонийхонга қаршилиқ қилмаганлигини кўриш мумкин.

Кейинчалик Шайх Худойдод Валий Карманадан Самарқанд вилоятининг Ғазира мавзесига кўчиб келади ва ўз фаолиятини шу ерда давом эттиради. Шайх Худойдод Валий ҳаёти давомида муттаҳамлик, ўғрилиқ каби иллатларга қарши кураш олиб борган. Айтади: “Буюриб тураманки, бизникига макруҳот (ҳаром) ва мужримот (жиноий) ва шунга ўхшаш иш билан шуғулланувчилар келмасинлар”. Шайх Худойдод барча муридларига “Озар, турк, форс, арабу ажам Ҳазрати Эшон (Шайх Худойдод) олдида тенг эди ва ҳар бирига таъзим ва икром қилардилар”, деб ёзади. Бу эса бугунги мустақил мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлган миллатлараро тотувликнинг яққол намунаси бўлиб асрлар давомида халқимизга хос фазилатларини ўзида намоён этиб келмоқда.

Шайх Худойдод Валий яшаган жойларида нафақалар ва озик-овқатни қатъий ҳисоб билан биринчи навбатда оч қолган, ночор аёллар ва болаларга, майиб-мажруҳларга беришни жорий қилган. Келтирилган ушбу жумлалар Шайх Худойдод Валийни камбағалпарвар шахс бўлиб, ҳар доим ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун кўйганлигини кўрсатиб ва бугунги мустақил давлатимиз ижтимоий сиёсатининг асосий моҳиятини ташкил этадиган “аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш” тамойили билан мантиқан боғланади.

Шайх Худойдод Валий тариқатда шогирдлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган ва маърифат босқичини асосийларидан бири сифатида эътироф этган. Ушбу босқичда шогирдларига саҳиҳ ҳадислардан, Қуръон оятларидан сабоқ берган. Бунда мушоҳада қилиш услуби муҳим ўрин тутган. “Маноқиб”да Шайх Худойдод Валий яшаган муҳит, Дашти Қипчоқдан кириб келган кўчманчи аҳолининг ўтроқлашиш жараёни, саводлилиқ даражаси ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Хусусан, муаллиф Шайх Худойдод Валий тилидан қуйидаги жумлаларни келтиради: “Биз ҳозир бандаларга хос бўлган таълим талабини пасайтириб юборганмиз, нима учун ўтроқ бўлаётган халқлар орасида донишмандлар йўқ”,-деб куюнади.

Шайх Худойдод ўз муридларига “Олимлик бу амалиёт билан илмнинг бирлашмаси” деб тушунтиради. Шу боис ўзи ўқитаётган талабалар билан ҳам амалий, ҳам назарий машғулотлар олиб борар, уларнинг билим даражасини текшириб турарди. Хусусан, манбада устоз ва шогирд ўртасида бўлиб ўтган савол-жавоб қуйидагича келтирилади: “Мантиқ нимани ўргатади? Мантиқ – бу қурол, восита, зехнни хато фикрлардан кўриқлайди”,- деган жавобни олди. Шунингдек, Шайх Худойдод талабаларга ҳар доим одамлар, дўстлар орасида бўлишни таъкидларди. Зероки, киши одамлардан холи бўлса, унинг холи заиф ва ишлари номақбулдир. Ундан халққа кам фойда тегади ва анжуманда

хам хилватда бўлади. Айтур эдиларки, халойиқ олдида бу киши жамиятсиздир ва у бундан хузур қилади. Агар бундан заҳмат чекса, у камолотга эришмайди ва иршодликка лойиқ эмас,- дейди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган маълумотлар яссавия тариқати шайхларини XV аср охири – XVI аср бошлардан бошлаб жамият ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этганлигини кўрсатади. Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлигидан кейин Мовароуннаҳрда нисбатан марказлашган давлат тузишга эришган Шайбонийлар тариқат вакилларининг нафақат диний-маънавий соҳадаги назарий, балки мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалий фаолият юритишлари учун ҳам шароит яратди. Бу давр Яссавия-Нақшбандия, Яссавия-Кубровия тариқатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш, улар орасида мавжуд бўлган баъзи баҳсли масалаларни биргаликда ҳал қилиш, тариқатларни ўзига хос ривожланиш даври ҳам бўлди.

Манбаларда келтирилган маълумотлар гарчи Шайх Худойдод Валий Шайбонилар давлатида Жўйбор Хожалари каби иқтисодий-сиёсий мавқеёга эга бўлганлигини кўрсатмасида, сиёсий ҳаётга маълум даражада таъсир қилганлигидан дарак беради. Жумладан, у XV аср охири – XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда вужудга келган мураккаб сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, темурий шаҳзода Бобур мирзони эмас, балки шайбоний Убайдуллахонни ҳокимият тепасига келишини қўллаб-қувватлайди[4; 158]. Бу эса ўша давр шароитидан келиб чиқиб, халқнинг тинчлиги ва хотиржамлигини таъминлаш ҳамда диний эътиқод ва кадриятларга содиқлик нуқтаи назаридан амалга оширилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланом. Биринчи қисм.1999. – Б. 374.
2. Kandaharov, A. (2018). The Khanate of Bukhara and the activities of the Karmana Sheikhs. *T.: Tafakkur qanoti*, 2018. –Б. 200.
3. Кандахаров, А. Х. (2017). Особенности социально-политической жизни государства шейбанидов XVI века. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-4), 26-28.
4. Муҳаммад Олим Шайх Азизон. Ламаҳот. Яссавия тариқати пирлари мақомоти. Форсчадан К.Каттаев ва А.Нарзуллаевлар таржимаси. Самарқанд, 2007. -192 Б.
5. Шарафуддин Роқимий. Тарихи томм. Т.: Маънавият, 1998. – Б.85.
6. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод. -Т.: Янги аср авлоди, 2009. - 432 б.
7. Ҳасанхожа Нисорий. Музаққири аҳбоб. Т.: Шарқ, 1991– Б. 191.